

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҶМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 41(65868)
1995 йил, 31 октябрь, сешанба

Сотувда
эркин нархда

ОНАМ ОЙ БЎЛСАЛАР, ОТАМ-ОФТОБИМ!

Беш-олти болакай ўтган-кетганларни кузатиб, ўз оталари ҳақида шундай дейишарди:

— Менинг дадамлар — доктор,
— Менинг дадам инженер.
— Менинг дадамлар йўқдир,

Ойим доим ишда дер.

— Дадам уйдлар, касал,
— Дадам заводда мастер.
— Менинг дадамини бўлса

Бувим пиёниста дер...
Болаларнинг бу таърифи тавсифсиз қабул қилиниши аниқ. Чунки улар ёмонни ҳам, яхшини ҳам, оқни ҳам, қорани

ҳам ўз ҳолича тушунишади. Ошқора йиғлаб, ошқора кулишади. Ота-оналаримизнинг қандайлиги болаларимизнинг ҳам шундайлигига ишора экан, газетамизнинг ушбу сонини ана шу мавзуга бағишладик. Уқиб, фикр ва мулоҳаза юритинг, ўз ота оналарингиз ҳақида эмас,

балки она-сингилларингиз, қариндош уруғларингиз ҳақида ҳам бизга хат-хабар йўлланг. Она—ой, ота—қўёш экан, қариндошлар — жон ришталаридир. Ҳаётимизнинг гўзаллиги ана шу ришталарнинг чамбарчаслиги, меҳру оқибати беқийёслиги биландир.



БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 50-юбилей сессиясида юртбошимиз Ислоҳ Каримов қатнашди ва нутқ сузлади. Жаҳон миқёсидаги минбардан туриб, юртимиз ва элимиз номидан гапирган юртбошимизнинг сузларини ҳамма тинглади. Ўзбекистон номини жаҳонга ёяётган бундай улуг воқеадан мактаб ўқувчилари ҳам фахрланишмоқда.

Америка Қушма Штатларининг «Прокст «Хоуп» хайрия ташкилоти томонидан юртимизга ҳаво йули орқали дори-дармонлардан иборат инсонпарварлик ёрдами келтирилди. Бу дори-дармонлар асосан Оролбуйи худуди, Навоий ва Тошкент вилоятидаги болалар касалхоналарига тарқатилади.

Тошкент сут комбинатида Чехиянинг «ЧКД хоцен» фирмаси билан ҳамкорликда музқаймоқнинг янги турлари, болалар таомлари ишлаб чиқаришга тайёргарлик куриш бошлаб юборилди.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройида республика терапевтларининг IV қурултойи булиб утди. Унда болалар хасталиклари масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Тошкентда республика қуғирчоқ театрларининг X фестивали булиб утди.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 96-мактабда педагоглар ва ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари иштирокида ёш авлод тарбиясига бағишланган йиғилиш булиб утди.

ҲАР КУНИ ИЛМ ИЗЛАБ

Ховослик Зулайхо энам бир келганларида дадам билан суҳбатлашиб ўтириб: «Эрка ўғил ёвга ярамас» — деган гапларини эшитиб қолгандим. Кейинчалик билсам бу «ёв» узимдаги ялқовлик экан. Шу ялқовлик туфайли кўп вақтим бекор ўтиб кетганлигини, бу йил дадамнинг узлари менинг дарсларим билан қизиқиб, дарсларни ўзлаштиришимда ёрдам бера бошлаганларидан сўнг, айниқса яхши тушуниб қолдим. Ҳаётимда ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлди. Бу ўзгаришлар узимга жуда ёқаётганлиги туфайли, улар ҳақида сизларга эплаганимча гапириб бермоқчиман.

Эрталаб тургач, юз-қўлимни тозалаб юваман. Дадамга, ойимга, сўнгра укаларимга салом бериб куришаман. То ойим нонуштани тайёр қилгунга қадар, мактабда берилган уй вазифаларини такрорлаб чиқаман. Сўнгра барчамиз нонуштага утирамиз. Нонуштага ўтиришдан аввал яна бир бор қўлимни ювиб оламан. Дадам ўнг қўллари билан нонни олиб, «Бисмилло» — деб, ушатадилар, сўнгра биз ҳам «бисмилло» деб, тановулни бошлаб юборамиз. Агар шундай демасак, шайтон деган маҳлуқ еган нонимизга шерик булар экан. Дадам ҳам, мен ҳам ҳеч қачон ёнбошлаб ётиб, таом емаймиз. Оёғимизни ҳам чўзмасдан, чордона куриб ўтирамиз. Ҳар ким уз олдидаги таомни ейди. Қўлларимиз дастурхоннинг у четидан бу четига қараб югуравермайди. Енгилгина нонуштадан сўнг «Худога шукур» деб, дастурхонга «овмин» қиламиз. Дадам ишга, мен ўқишга отланаман. Мактабга купинча оқ куйлак кийиб бораман. Сарик куйлагим ҳам бор, лекин уни кийишни ёқтирмайман. Дадам ҳам бу фикримни маъқуллайдилар. Кийинарканман, куйлак кийганда ҳам, шим кийганда ҳам, туфли кийганда ҳам аввал ўнг томондан бошлайман. (Ечинишда эса аввал чап томондан, кейин ўнгдан).

Кучага чиққанда ҳам, ўнг қадамимни аввал ташлайман.

Маҳалла куйда, узимдан катталарга албатта салом бераман. Узим тенги уртоқларимни, мактабдошларимни кўрганда биринчи булиб салом беришга шошаман. Дадамнинг айтишича, салом бериш билан дунё ишига машғул бўлиш ҳалолланаркан. Машина минган киши пиёдага, юриб кетаётган киши утирганга, озчилик купчиликка салом бериши керак экан. Мен ҳам шу қоидага амал қиламан.

Мактабда дарслар бошлангач азиз ўқитувчиларимизнинг сўзига жон дилим билан қулоқ тутаман. Дадамларнинг айтишича: — «Илм, ҳар бир инсоннинг қидирган нарсаси, қаердан топса, уша ердан олаверар», экан. Шу туфайли ҳар кун мактабда бирор илм урганиб олиш пайида буламан.

Мактабда мендан ўқитувчилар ёки синфдошларим «Сен шоир Мухаммад Исмоилнинг углисан, даданг ёзган шеърлардан бирортасини ёддан ўқиб бер», — деб қолишади. Авваллари ёдламагандим. Энди ҳўп ўқиб бераман. Чунки, сентябрь бошлангандан буён дадам ёзган

шеърлардан унтасини ёд олганман. Дадамнинг айтишича, кўп ёд олган одамнинг хотираси кучли буларкан.

Шу билан бирга дадам «Волво», «Мерседес», «БМВ», «Опел», «Форд» сингари чет эл машиналари, уларни яратган кишилар ҳақида кўпгина ҳикояларни гапириб берадилар. Мен шу машиналар ҳақида уртоқларим билан кўп гаплашаман. Уртоқларим ҳам жуда қизиқ янгиликларни билишади. Улар билан «денди» кассеталарини алмаштириб, ўйнаб тураман.

Азиз тахририят ходимлари! Сизнинг ёрдамингиз билан чет эл машиналарининг янги турлари, расмлари, «денди»нинг янги ўйинлари ҳақида фикрлашиб туриш учун шу машғулотга қизиқувчи тенгдошларим билан хат ёзишиб турсам дегандим. Бу фикримни дадам ҳам қўллаб-қувватлайдилар. Чунки дадам уртоқларим жуда кўп бўлишини, уларга ҳеч қачон ёлгон гапирмаслигимни истайдилар. Ёлгоннинг бадбуй хидидан одамлар ҳам, фаришталар ҳам бир қақирим нарига қочади, — дейди дадамлар. Мен эса сизларга ёлгон гапирмасликка сўз бераман.

Асқар ИСМОИЛОВ,
Тошкент шаҳри, Миробод тумани,
А.Авлоний номли 40-мактабнинг,
«2»-синф ўқувчиси.



ЯХШИЛИКНИНГ ОХИРИ ЙЎҚ

—Бува, буважон, юринг, боғни айланиб келайлик, — дейишди маҳалла болалари. Кабир отанинг уларга ҳеч қачон йўқ демасликларини билган ҳолда ва отанинг қўлларидан ушлаб йўлга тушишди.

Кабир ота Комиловни пойтахтимизнинг Янгиариқ маҳалласидагилар жуда ҳурмат қилишади. Ҳурмат замирида бир оз чўчиб туриш ҳам бор. Сабаби, қизлардан тортиб, набираларгача, келинлару куёвларгача — ҳамма-ҳаммасининг ҳаёт тарзи, фаолиятдан ота яхши хабардорлар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари номзоди Кабир ота:

—Боши кетган яхшиликнинг сўнггиси ҳам кетиши мумкин, аммо олди келган яхшиликнинг охири ҳам албатта келади, — дейдилар. Шунинг учун ҳам яхшилик қилинг, яхши инсонларга ёндошинг, токи ота-онангиз, таниш-билишларингиз сизни кўрганларида ўғлим, қизим ёки шогирдим, менинг маҳалладошим, деб севинсин!..

ОТАСИНИ ОФРИТГАН — ЭЛ ИЧИДА ХОР БЎЛАР



Сиз суратдаги кишини танийсиз. Ойнаи жаҳон орқали «Хат ва ҳаёт» кўрсатуви олиб борганларида, ота-оналарингиз уларнинг фикрига қўшилиб, жамиятимиздаги иллатларни бартараф қилиш ҳақида суҳбат бошлаб юборганларининг кўп гувоҳи бўлгансиз.

Бир қўшимиз бўларди, чироқ ўчиб қолса ҳам, автобус вақтида кел-маса ҳам, кўча ўнқир-чўнқирлигию кўприкнинг гичирлаганини сезса ҳам Шухрат акага хат ёзиб беринг, телевизордан боплаб гапирсин, деб бизни кўра кириб келавардилар. Ҳа, Шухрат аканинг шуҳратлари ўзи билан. Аммо буни сезмайдилар чоғи, «ярим журналист, ярим олим, ярим бинокору ярим кимёгар бўлиб қолганимга афсусланаман», деб юрадилар. «Тонг юлдузи» ўқувчиларига айтинг, дейдилар яна, бир ишнинг бошини тутишдими, охирига-ча етказишсин. Ҳар бир инсоннинг маълум касби, ҳунари бўлиши керак. Биринчи шеърим «Мактаб деса очилар кўнглим», деб бошланарди. Аммо айримлар, «Шеър ёзган билан қорнинг тўядими? Шоирлик касб эмас. Масалан, кимёгар бўлсанг, кимё қудрати билан нон ҳам, гўшт ҳам яратишинг мумкин» деса, ишонибман. Тошкентдаги 40-мак-

табда таҳсил олганман. Саъдулла Исмаатов деган устозим «Навоий газалига муҳаммас боғлагин» деганларида ҳаяжонга тушгандим. Рост-да, мактаб ўқувчиси Навоийнинг газалини зўрга ёд олади-ю, қандай қилиб унинг оламига кириб шеърини давом эттирсин? Аммо қайта-қайта қистовлар натижасида ёздим. Эҳтимол, ўша мактовлар сабаб, арузга қизиқиб қолгандирман? Арузнинг ўз мактаби бор. Шайбонийхон ҳам арузда шеърлар битиб, «Шаъбоний» деб тахаллус қўйган. Муқимий, Фузулий тахаллуслари ҳам арузона. Аммо Тошпўлат исми арузга тушмайди.

Ислон шоир, Фозил Йўлдош ўғли, Қуддус Муҳаммадийни кўп кузатган-

«хўрозча»ларга тушунтириб қўйиш керак. «Ўзбек тилини ҳақоратламанг» дейиш керак уларга. Ўзбек тилига қўполлик қилманг. «Ўйлайманки...» деб сўз бошлашади айримлар рус тилидан тўғридан-тўғри таржима қилган бўлиб. «Фикри ожизимча», «Сизнинг лутфингиз билан» деган гапларимиз бор-ку, ахир! Ёки суҳандонларнинг «Ернинг устки қатлами музлайди», дейишига нима дейсиз? Ўзимизнинг «қиров тушади» деган гапимиз қайда қолди? Ўшалар сабаб, болаларимиз тили гализлашиб бораётибди. «Бозор ва болалар» деган саҳифангизни ўқидим. Бозор тили, бозор шеvasи унда ўз ўрнини топибди. Ёшлигимизда «болаларни пул бузади» дейишар-

билими саёз, эртанги куни ноаниқ бўлади. Шунинг учун мураббийларнинг шароитини тўқис, тугал қилиб қўйишга эътибор бермоғимиз шарт.

Болалигимда бақувват бўлишни орзулардим. Чунки туни бўйи нонга навбатга турсаму, саҳарда қайсидир мендан дароз бола эрталоқ нонни илиб кетса... кўнглимда тушкун ношукурликни кўрганимда бот-бот такрорланиб турарди. Ўз вазифаси — билим олиш эканлигини сезмаган болалар ҳам таъбимни хира қилади.

Бир куни онам дўкон очиқлигини билиб келиш учун жўнатдилар. Ўйин билан бўлиб, алламаҳалда уйга келдим. «Дўкон берк экан», дедим яна бир хатоимнинг устига иккинчисини юклаб. Онам тут новдасини тайёрлаб қўйган эканлар. Мени ишга юбориб кетидан ўзлари ҳам югуришларини сезмабман... Калтак едим. Ёлгонимни топиб урдилар мени! Ўша ўша ёлгондан кўрқаман. Биринчи ёлгонни ушлаш керак, дейман. Буйруқ-бозлик билан, дўқ-пўписа билан улгайган болалардан яхшилик чиқмайди. Вақтида чўзилган қулоғим сабаб қиморга, ортиқча ноҳўя ўйинларга берилмаганман. Эсимда, пулга ёнғоқ уйнаб ютаётганим. Қўшимиз Носир аканинг армиядан келган ўғли — Жўра ака қулоғимдан чўзиб, ўйимгача олиб борганди. Ўша ўша, ўша воқеани эсласам, чап қулоғим ҳозиргача қизийди. «Болаларни юз марта урма, бир марта ур, аммо бўйнига айбини қўйиб ур», деганлари шу бўлса керак-да!

Сиз суратдаги кишини танидингиз. Ҳа, Шухрат ҚОСИМОВ! Умрингиз узоқ бўлсин, Шухрат ака, деймиз уларга. Газетамиз муштарийлари Сизнинг суҳбатингизга, панду насиҳатларингизга ҳаммиша мушток.

ЮЛДУЗХОН.

ВАҚТИДА ЧЎЗИЛГАН ҚУЛОҚ

ман. Сиз нега газетада Қуддус Муҳаммадийга кўп ўрин ажратмаяпсиз? У киши бебаҳо хазина. Бола бўлиб, болаликни тарк этмай, аср юзини кўряптилар. Болалар шоирлари Қуддус акадан ўргансин. Аммо арузни ўқишда Чустию Чархийга, Гофур Гулому Қодир Маҳсумовга тенг келади-гани йўқ эди. Увайсийнинг «Анор» шеърини қаранг...

Шухрат ака «Анор»ни ўқир эканлар, беихтиёр Қодир Маҳсумовнинг овозини эшитгандай бўлдим. Фикримни айтсам, кулдилар ва ҳатто Амур Темур ҳам «мен» демаган, дедилар. Қонуну қарорлари «биз ким...» деб бошланарди. Сиз эса «мен шундай англадим деяпсиз»... дедилар қулиб. Бу ҳам бир суҳбат мавзуси-да! Бир-бирини сенсираб турган ака-укаларни учратганимда инсон бўлиб ўшалар сафида юрганымдан афсусланиб кетаман. Буюк саркарданинг камтарлигини «мен» деб турган кечаги «жўжача»ларга, «сен» деб турган бугунги

ди. Энди эса, «Бирни қандай қилиб ўн қилсам?» деб туришади болакайлар. Бунинг учун маданият керак, билим керак, ҳалоллик керак. Онам раҳматли «Сутни сотиб, нон олиб кел» дер эканлар, тайинлардилар: «Орқа-олдига қараб, рангини қуриб олгин, сотувчисига ҳам қарагин, озодагина, нурлигина бўлсин...» — балки ўшадир «бозор тарбияси». Балки ўшадир синчковлик, билимдонликка етаклаш?

Урушдан кейин ҳамма қатори биз ҳам қийналганмиз. Мактабга бормай қолсам, у ерда бериладиган «пончик»ни олиб келиб берган устозларимнинг охирати обод бўлсин. Уларнинг шинелдан бошқа бисоти бўлмасди. Бахту-қувончи биз — шоғирлар эдик. Шундай бахту қувонччи тўйиб яшайдиган устозлар кўп бўлишини орзулайман. Аммо турмуш иккичирлари деб, оила ташвишию, даб-дабали тўйлар илинжида қоврилиб яшаётган устозлар бор экан, болалар

КЎЗЛАРИМГА ЁШ ҚАЛҚДИ

Онажоним оламдан утганларига уч йилдан ошяпти. Ҳаммадан ҳам уч нафар укамга қийин бўлди. Улар баъзан хоналарни гир айланиб онамни излашар, кейин нималарнидир баҳона қилиб, узоқ йиғлашарди.

Қариндошлар отамни уйлантириш таралдуғига тушишди. Отам бечора анча вақт рози бўлмадилар. Лекин укаларимнинг ёшлиги, мени эса улар билан қийналиб кетаётганимни айтишганда, бир нарса деб қаршилик кўрсата олмадилар.

Ўйимизга бегона аёл келди. Менинг назаримда онажонимнинг йўқлигига ўша аёл сабабчидай эди. Унинг гапларига жавоб қайтармас, бирор нарсами қулига олса, жаҳл билан тортиб олардим. У бўлса барча инжиқликларимга бардош берар, дадам ишдан келсалар, олиб-югуриб хизматларини қилар, менда, укаларимда йўқ фазилатларни айтиб мақтарди.

Қўнларнинг бирида кичик синглим қаттиқ чинқиб йиғлаганини эшитиб, уйдан отилиб чиқдим. Аммо ўша аёл икки ҳатлаб синглим олдида пайдо бўлиб қолганга учун тухтадим.

Синглим унинг бағрига узини отганича тинчиб қолди. Аёл — онам ҳам уни кучоқлаганича ўқиб-ўқиб йиғларди.

Менинг негадир укам тулиб, кўзларимга ёш қалқди.

Муяссар АХМЕДОВА,
Марғилон шаҳри, Ёйилма маҳалласи.



Соғ юрак — тоғ юрак

СПОРТ УНИНИНГ ЖОНИ ДИЛИ

Ота-оналар йиғилишидан кўнгли тоғдек кутарилиб чиқаётган-Муҳайе опани жисмоний тарбия ўқитувчиси тухтади:

— Қизингиз тўғрисида гапим бор эди...

Она ҳушёр тортиди. Ўқитувчининг гапларига диққат билан қулоқ солди.

— Тўғри, бошқа фанлардан аълога ўқийди, — давом этди Дониер ака. — Лекин спортга ҳам яхшигина қобилияти бор. Мабола сиз ҳам, Сирожиддин ака ҳам унга жисмоний тарбия билан шуғулланишга алоҳида имконият яратиб берсанглар, келажакда умидли спортчи чиқиши мумкин.

«Бу ҳақда ойижоним билан маслаҳат қилсам буларкан», уилади она фарзандининг устози кетгач.

У шундай қилди. Муҳайе опанинг қайнонаси Бехруза опа анчадан буён жисмоний тарбия диспансерига қатнар, машғулотлар унинг соғлигига катта фойда қилаётганди.

Шундай қилиб буви — Бехруза опа ва набира — Нозимахон биргаликда шуғуллана бошлади.

Ҳозир Н.Эгамбердиева Тошкентдаги 136-мактабнинг 6-синфида аъло баҳоларда ўқиш билан бирга спорт мусобақаларида мактаб шарафини ҳимоя қилишга тайёрланмоқда. Айниқса унга югуриш, баскетбол, волейбол сингари спорт турлари жуда ёқди. Бувижони Бехруза опа эса набирасининг келажакдан умидвор: Ўзбек қизининг спортга муҳаббати балки келажакда Ўзбекистонимиз шон-шўхратини кукларга кутарар?..

Суратда: Нозима Эгамбердиева кўзгалмайдиган махсус велосипедда машқ бажармоқда.

Р.АЛЬБЕКОВ суратга олган.

ОТА —ОНАЛАРИНИНГ КЕКСАЛИК ВАҚТИДА ҲАР ИККИСИНИ ЁКИ БИРИ БЎЛМАГАНДА БОШҚАСИНИ РОЗИ ҚИЛИБ, ЖАННАТИЙ БЎЛИБ ОЛМАГАН ФАРЗАНД ХОР БЎЛСИН, ХОР БЎЛСИН ВА ЯНА ХОР БЎЛСИН.

ОНАСИНИ ОФРИТГАН ПАРЧА НОНГА ЗОР БЎЛАР



СЕН — СУЯНЧСАН

Кеч кирди. Шахло ханузгача кучадан келмай уйин билан овора бўлаётган укалари Азиз ва Ихтиёрни «ҳайдаб кирди»да, овқатга уннай бошлади. Энди сабзи-пиёзни қовуриб, сув қуйган ҳам эдики, қўшни онахон чақириб қолди:

— Шахлоой, уйдамысан қизим, элакка чиқувдим.

Шахло югуриб-елиб элакни олиб чиқиб берди. «Уйга киринг» деди сўнг қайтиб чиқиб кетишга шошилмай турган кайвони аёлга.

— Ойинг ҳам, даданг ҳам ишдадир-а, қизим. Сен ҳам мундоқ бошқа болаларга ухшаб кучага бир пас чиқай, дугоналарим билан озгина чақчақлашай ҳам демайсан?..

— Иш куп-да, дарсларим, укаларимнинг дарси, кир-чир...

— Онангни айтман-да, уз юрти ташвишида яшайдиган мард аёллардан. Ёшлигида ҳам шунақа эди. Дадангнинг ҳам отасига раҳмат, эл хизматида. Яхшиям уларнинг бахтига сен борсан. Булмаса улар хотиржам ишлай олармиди?

Қўшни кампирнинг олқиш ва мақтовлари ёш қизалоқнинг гайратига гайрат қўшиб юборди. Овқат пишгунга қадар ҳам аллақандай майда-чўйда юмушларни бажарди. Дадаси ишдан қайтса бас, овқатни сузади.

— Мен онангдан хабар олай, — деди Юсуфжон ака одати буйича кучага отланаркан. Уғил болалар дарсхонага, Шахло идиш-товоқ ювгани йўл олишди.

ТУНГИ СУХБАТ

Зиёда опа бугун ҳам кеч қайтди. Апил-тапил кийимини алмаштириб ошхонага ўтди. Ёғ тушса ялагудек саранжом-сариншаллик, ярақлаб турган идиш-товоқларга қараб кунгли ёришди. Стол устидаги хатни ўқиди: «Онажон сизни кутиб ўтирдим, лекин жуда уйкум келди. Ош совиб қолмасин, деб ўраб қўйдим. Дадам айтдилар, сахарда Ташкентга кетар экансиз, йўл анжомларингиз тахт, сумкада, кечаги ёпган патирларимдан ҳам солиб қўйдим, албатта енг».

Зиёда опанинг меҳри товгани билан кузларига ёш қалқди. Тез юриб қизи ухлаётган хонага кирди. Ширин туш кўраётган шекилли, лабида табассум билан ухлаётган қизини уйго-

ИШБИЛАРМОН ОНА ФАРЗАНДИ

Зиёдахон опа Бўронова Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги ароқ-вино заводи директори. Табиийки, она раҳбар бўлгач, оиладаги бирор одам унинг ўрнини босиши, рўзгор ишларида кўмак бериши зарур. Опанинг тўнғич фарзанди Алишер Навоий номидаги физика — математикага ихтисослашган лицей ўқувчиси Шахло ана шу энг зарур вазифани ўз зиммасига олиб, ишбилармон онасига суянч бўлмоқда. «У аълочи, у пазанда, у саришта, у ҳақиқий дугона» дейишади Шахло ҳақида дугоналари.

тиб юбормаслик учун аста чиқа бошлади.

Бироқ уйқуси зийрак Шахло кузларини очди. Ўрнидан туриб онасини кучоқлаб олди.

— Болам, мен иш билан бўлиб юмушларни буткул сенинг елкангга қўйдимми? Айт болам, қийналаётган булсанг эртагаёқ аввалги вазифамни сурайман.

— Йўқ, онажон мен заводда ишлаётган вақтингиздаёқ сиз билан фахрланардим. Ҳозир эса ундан ҳам севиноман. Ахир сиз Деновимиз, Сурхондарёмиз, қолаверса Ўзбекистонимиз бой бўлиши учун ишляпсиз-ку. Бундан мен рухланаман, қувват олам.

— Ватанпарвар қизимдан ургулай, ўқиган «Ҳадис» ларингни таъсирими бу?

— Фақат «Ҳадис»лар таъсири эмас, дадамлардан, Бибисора, Беғам бувимлардан ҳам шунақа гаплар эшитаман.

Она-бола узоқ суҳбатлашишди. Шахлонинг уйқуси учиб, Зиёда опанинг чарчоғи тарқаган эди.

ОДОБ НИМА, УНДАН СЎРА

Шахло уйғонганда онаси ҳам, дадаси ҳам аллақачон чиқиб кетган эдилар. Бироз кечроқ тургани учун шошиб урин-кўрпаларни йиғиштирди, укаларини уйғотди, нонушта тайёрлади, ҳовлига тўқилган хазонларни супуриб олди, куча эшик олдини яна бир марта қиртишлашни ҳам эсдан чиқармади.

Лицейда эса синфдошларининг баҳслашайтгани устидан чиқди. «Одоб — каттага ҳурматда, кичикларга шафқатда бўлиш» деди биров. «Одоб — хушмуомалалик, ширинсузлик, меҳрибонлик» деди бошқаси. «Одоб нима, ундан сўра, жуда куп китоб ўқийди» деди учинчиси ҳозиргина кириб келган Шахлога ишора қилиб.

— Умуман тўғри айтасизлар, — деди синфдошларига жавобан Шахло. — Менга қолса ватанпарварлик, халқпарварлик, меҳнатсеварлик ҳам одоб қондасига киради, дердим. Келинлар, мен сизларга Куръондан кейин турадиган иккинчи муқаддас манба — «Ҳадис»дан кучириб олган баъзи нарсаларимни ўқиб бераман.

«Салом бериб кирмаган одамни ҳузурингизга қўйманглар».

«Кимки одамлардан ҳаё қилмасе, у Тангридан ҳам уялмайди».

«Биродари билан бир йил аразлашиб юришлик — унинг қонини тукиш билан баробардир».

«Кимки одамларга нисбатан ношукур бўлса, Тангрига нисбатан ҳам ношукур бўлур».

«Кимки мусулмон мамлакида яшовчи бошқа динга мансуб кишини ҳақорат қилса, қиёмат куни утдан ясалган қамчи билан урилади».



Суратда: Шахло Эрназарова (чапдан учинчи) синфдош дугоналари Наргиза ва Нилуфарлар билан.

Хуллас, мен китобдан жуда куп нарсалар ургандим. Айниқса «Ҳадис»ни ҳар сафар ўқиганимда янги-янги мазмун топаман, — сўзига яқун ясади Шахло.

МАҚТОВ БОИСИ

Пазандадир, аълочию, чевардир, иқтидорли, саришта, меҳнатсевардир. Нима булибди, ҳаммага ухшаган оддий бир қизда, шунга шунча гап-сўзми, дегувчилар ҳам топилиб қолар. Лекин ишбилармон онасининг, отасининг хотиржам элга хизмат қилиши учун ҳам ўқишни, ҳам уй юмушлари, ҳам икки укаси, ҳам ота-онасининг барча хизматларини уз зиммасига олиш ўн турт, ўн беш ёшли барча қизалоқларнинг ҳам қўлидан келавермайди. Мабодо унинг онаси Зиёда опа Бўронова билан қизиқсангиз, у киши 1978 йили Тошкент политехника олийгоҳини битириб, фаолиятини Денов ароқ-вино заводида оддий ишчиликдан бошлаган. Кейин

лаборатория бошлиғи, ароқ қуйиш, вино қуйиш цехлари раҳбари, 1995 йилнинг 1 январидан бошлаб директор бўлиб ишламоқда.

Қисқа вақт ичида 400 ходими бор завод уларни туқ ва фаровон қилиш даражасида мавқеини тиклаб олди. Завод ичида очилган бирламчи вино пункти икки ой мобайнида кузланган режани ортиги билан бажариб, вилоят бюджетига 50 миллион сўм даромад туширди. Республикамининг турли бурчақларидаги 120 дан ортиқ савдо нуқталари завод маҳсулотларини тарқатмоқда. Бунда ҳам Шахлонинг онаси Зиёда опанинг ҳиссаси катта. Тўғри, Зиёда опа ҳамкасблари Зойир ака Ҳамроев, Эргаш ака Ҳолиқов, Баҳодир ака Ҳайиталиев, Мукаррама опа Турдиеваларга жуда суянади. Ушалар сабаб, Голландиядан завод учун 25 минг деколитр спиртнинг келиши, ушалар сабаб республикадаги 21 нафар завод ичида

т ў қ қ и з о й л и қ д а учинчи урини олиши...

Жанубий Қурия, Италия билан тузилаётган шартнома ларда ҳам уша дўстларининг саъй-ҳаракатларию завод ишчиларининг меҳнатига ишонч сабабдир.

Шахлонинг синфдош дўст, дугоналаридан хислату фазилатлариши ҳам онасининг тўрмуш тарзини куп кузатганидан.

Тўғри, Шахлонинг онаси завод ютуқларидан шодланганлигини ҳам, камчиликлардан нолиганини ҳам оиласидан сир тутмайди, бунга сабаб болаларнинг отаси Юсуф ака Эрназаровнинг ҳам ўзига яқин соҳада ишлаётганидир. Эҳтимол, қандай меҳнату машаққатлар натижасида хонадон ободлиғию юрт фаровонлигини болаларига тушунтиргиси келар. Эҳтимол шунинг учун ҳам ёрдамчи насос кераклигини, ли-

монга қўшадиган тупроғу кислоталарнинг камёблиғию электрод масаласи чатоқлигини очиқ-ошкора айтар? Эҳтимол, шунинг учун ҳам Шахлою Азизлар оналари ишдан қайтганда уйдаги майда-чўйда, икир-чикрилари тезда айтмасликка чоғланишар? Эҳтимол, шунинг учун ҳам хонадонларининг яқин кишиси, кўмакчиси Лилия опа билан бор-йўқликларини ҳал қилиб қўя қолишар?..

Зиёда опа нафақат оилада, ҳатто ўз хизмат хонасида ҳам камдан-кам булади. Ҳали Тошкент, ҳали Наманган, ҳали Фарғона, ҳатто ҳамдўстлик мамлакатларига ҳам тез-тез сафарга жўнаб кетади. Ҳозир эса Италия билан ҳамкорлик қилиш устида иш олиб борапти. Хорижликлар Сурхондарёда узумнинг 1500 тури етиштирилиши ва аҳолининг бу неъматни етиштиришдаги бой тажрибасига қизиқиб қолишибди.

Шахло онаси уйда булган кезлари худди катталардек унинг ишлари ташвишлари билан қизиқади. Зарур бўлса аллақандай илиқ гаплар айтиб она кунглини кутаради. Зиёда опа янги раҳбар булган кезлар эди ушанда.

— Қизим, дадангга ҳам ортиқча ташвиш орттириб қўйдимми, ўз ишлари қолиб менга ёрдамлари куп тегяпти, — деди она. — Ҳаммаёққа чет эл маҳсулотлари тўлиб кетди, бизники эса чиройли идишларда булмагани сабабли, одамларга курсатиб беролмаямиз. Унда сизлар уларниқидан сифатлироқ, хуштаъмроқ, соғлиққа фойдаси тегадиган қилиб чиқаринглар, одамлар яхши нарсани дарровда ажратиш олишади.

— Баракалла ўзимнинг доно қизим. Биз шундай қилаямиз.

Устидаги безаги учун эса Киев, Санкт-Петербург шаҳарларига буюртмалар бериб қўйдик. Яқинда самарасини ҳам кўриб қолармиз, — қизалогининг жавобидан кунгли тулди унинг. Италиядан шиша келтиряпмиз. Билсанми қандай? Новороссийск орқали... Она янги режалар ҳақида қизи билан маслаҳатлашишга берилди.

Хуллас, ниятимиз ўз халқ, ватани келажаги, унинг бой-бадавлат бўлиши учун тинмай жон куйдираётган, елиб югараётган бир ишбилармон онанинг суянчиги, ёрдамчиси булган Шахло Юсуф қизи Эрназарова ҳақидаги ҳикоямиз шу бўлди.

Сайриддин ХОЛОВ «Тонг юлдузи» махсус муҳбирм.



АВВАЛО ОНАНГГА, ЯНА ОНАНГГА ВА ЯНА ОНАНГГА СЎНГ ОТАНГГА ЯХШИЛИК ҚИЛ!

БИЗ ДОИМО БИРГАМИЗ

Отам бугун ҳам жуда барвақт уйғондилар. Уйқудан ҳеч кўзимни очгим келмасди. Кунглимдан бир «Узлари чой ичиб кетарлар», деган фикр ўтди-ю, зум ўтмай қандайдир куч мен ўрнимдан тургазиб юборди. Чунки отам бироз фурсат ўтмай далага чиқиб кетдилар. Уззу-кун ишлаб, ҳориб қолмасликлари учун эрталаб яхшилаб нонушта қилишлари керак. Улар учун чой тайёрлаб берадиган мендан бошқа ҳеч ким йўқ...

Биз Хоразм вилоятида яшаймиз. Бу ернинг табиати ҳозирги кунда инсон саломатлигига зарар етказётгани ҳақида ҳаммангиз яхши биласиз. Менинг онам ҳам бир томони ана шу табиатнинг номутаносиблигидан, бир томони қишлоқнинг оғир ҳаётдан тузалмас касалга йўлиққан эдилар, оламдан барвақт кўз юмдилар. Улар вафот қилганларида энг кичик укам Сардор уч ёшда эди. Аммо мен бугун онам ҳақида эмас, балки отам ҳақида гапириб ўтмоқчиман.

Онамнинг вафотларидан кейин «Уч фарзанднинг аҳволи не кечадиди?» деган фикр қариндош-уруғларни уйлантириб қўйди. Кимдир «Бо-

лалар уйига топшириб юбор» деса, яна кимдир «Қариндошлар бўлишиб ола қолайлик», деган фикрни билдиришди. Ҳаммангиз гап-сўзларини тинглаб бўлгач, отам ўринларидан турди ва қатъий оҳангда:

— Фарзандларимни ҳеч кимга ва ҳеч қаерга бермайман. Улар доим ўзим билан бирга бўлишади. Улмасак бир кунимиз ўтар, — дедилар.

Бошқа гапга ўрин қолмади. Тез орада онамизнинг маъракалари ҳам ўтиб кетди. Отам бу вақтнинг ичида илгариги вақтлардан ҳам меҳрибон бўлиб кетдилар. Менинг, укаларимнинг дарсларини текширадиган, уй вази-фаларини бажаришда кўмаклашадиган, кийимларимизни ҳам кўздан кечирадиган булдилар. Бир сўз билан айтганда онам бажарадиган барча ишларни ўз бўйниларига олдилар. Мен ҳам уларга ҳар бир юмушда қарашигга ҳаракат қилдим. Ҳозир отам жамоа хўжалигимиздаги бригадаларнинг бирида ҳисобчи. Барвақт туриб, кечроқ қайтадилар. Жуда ҳориб қайтсалар ҳам биз билан бироз суҳбатлашишга, ишларимиз ҳақида билишга вақт топадилар.

Яқиндагина амма ва холаларим «Жуда қийнаиб кетдинглар. Бир уйга

бир аёл керак, уйлан», деб отамни жуда қистовга олишди. Улар рози бўлмадилар. «Биз қийналаётганимиз йўқ. Ҳаммаси яхши» деб қўя қолдилар. Ҳа, отам тўғри айтдилар. Ейиш-ичишимиз бошқалардан қолишмайди. Кийимларимиз ҳам ёмон эмас. Агар бошимизда меҳрибон онамизнинг йўқлигини ҳисобга олмасак биз, бахтиёримиз, десам янглишмайман. Тўғри, менинг отам каби меҳрибон оталар қишлоғимизда кўп. Аммо...

Уйимизга яқин жойда болалар уйи бор. Мен бу ердан ҳар куни мактабга ўтаман. Ана шу катта панжарали дарвоза ортида юрган болаларни кўриб ичим ачийди. Баъзан уларнинг бир нечтаси дарвоза олдидаги курсида ё онаси, ё отаси билан суҳбатлашиб турганини кўраман. Шунда: «Уларнинг оталари ҳам бор, оналари ҳам ҳаёт. Шундай бўлса ҳам улар етимлар уйида. Отанасининг қандай кўнгли борган экан уларни болалар уйига топширишга?» деб уйлайман. Ва отамнинг нақадар бағри кенг, иймони бутун, болалари учун жонини ҳам аямайдиган улуг инсонлигини ич-ичимдан ҳис қиламан. Уларни янада яхши кўриб кетаман.

Х. ЖАББОРОВА,
Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани.

Тенгдошларинг
ижодидан



Дилноза Орипованинг номи сизларга таниш. Чунки яқингинада «Айёр қуён ва лақма бақа ҳақида»ги эртагини эълон қилган эдик. Куни-кеча Дилноза муҳарририятимизга онаси ва укаси билан кириб келди. Қўлида каттагина шеърлар дафтари. Улар устоз кўриб ёзилгани билиниб турибди. Маълум бўлишча, Дилнозанинг онаси Лолахон Иброҳимованинг асли касби журналист экан. Тошкент Давлат Дорилфунунини 1975 йилда муваффақиятли тугаллаган бухоролик Лолахон Наманганга келин бўлиб тушибди-ю ишим, ижодим деб — фарзандларини билибди. Улар эсини танигач, мактаб ва билим юртларида мураббийлик қилибди.

Ҳозирги кунда Чуст тумани, Тошқурғон қишлоғидаги 30-мактабнинг 10-синфида таҳсил олаётган Дилнозанинг орзулари улкан: келажакда ижодкор бўлиб, онаси чиқа олмаган чўққиларни забт этиш, халқ севган шоира бўлиб, эзгуликни мадҳ этиш. Нима ҳам дердик: Дилнозанинг оппоқ, беғубор орзулари ижобатини тилаймиз.



*Кичик укам Тоҳиржон,
Бирам ширин, ёқимтой.
Эркаланса ойимга,
— Майли, — дерлар, — кенжатой.
Кунда қилар хархаша,
Боғчага бормайман деб.
Яна қилар машааша,
Овқатим емайман деб.
Укажоним айтганим,
Дарҳол бажарар ойим.
«Олиб беринг» деганим,
Топиб келишар доим.
Шўҳ бўлса-да биз уни,
Жон-дилдан ардоқлаймиз.
Эркалатиб, суюб биз,
«Қувноқ тойчоқча» деймиз.*



*Дўстман, — дея сўз билан айтма,
Исботлагин амалда.
Сўз бердингми, сўзингдан қайтма,
Содиқ бўл энг мушкул маҳалда.
Дўст қалбида дўстларнинг гами,
Дўстларингга сен содиқ бўлгин.
Лек улардан манфаат кўзлама,
Чин дўстликни муқаддас билгин.*

Дилноза ОРИПОВА.

ЯХШИ КУНЛАР ОЛДИНДА

Мактабдан қайтиб, ҳар кунгидек онам ётган хонага кирдим.

— Зерикмай ётибсизми? — деб сўрадим ва юзларига энгашиб, ўпмоқчи эдим кузларида ёш қалқиб турганини кўрдим.

— Бирон жойингиз оғриятими? — сўрадим дарров.
— Йўқ.
— Нимага кузингизда ёш?

Онам тўшунтира бошлади. Телевизор орқали берилган бир курсатувда уз ўгли онасини қандай азоблаганини кўрган эканлар.

— Уни кўриб, узимнинг фарзандларим нақадар яхши болалар эканлигига севишиб ётибман, — дедилар ҳаяжон билан.

Онам узоқ вақтлардан буён бетоблар. Оёқлари фалаж. Шифокорлар «Тузалишдан умид бор. Фақат вақт керак», дейишган. Шу сабаб оиламиздагиларнинг барчаси уларнинг кўнглига қарашади. Айниқса дадам. Улар онамнинг тушакка михланган биринчи кўнларидан бошлаб бугунга қадар бирон марта, бирон сўз билан юракларини оғритганларини эслаб олмайман. Тўғри келганда барчамиз билан баробар онам қилишлари керак бўлган юмушларни бажариб кетаверадилар.

— Ҳали олдинда жуда яхши кунлар бор, — деб ҳаммамизнинг кўнглимизни ҳам кутариб қўядилар. Улардаги кутаринки руҳ, онага, аёлга булган ҳурмат ҳаммамизнинг дилимизни равшан қилади. Биз ҳам уларга қараб инсонларни ҳурмат қиладиган, яхши-ёмон кўнларига қарашадиган меҳрли болалар бўлишга интиляпмиз.

Г. ЖАМИЛОВА,
Когон шаҳри.



Дадажонимга қасидам

оладилар. Ҳар куни эрталаб ишга кетиш олдида кекса оналари, яъни бувижонимдан фотиҳа олиш учун ёнларига кирадилар. Соғлиқларини сўрайдилар. «Онажон, мен хизматга кетяпман, нима камчилигингиз бор, бугун менга бирор ишингиз йўқми?» дейдилар. Бувим бўлса: «Сен борсанки болажоним, камчилигим йўқ. Илоё тупроқ олсанг олтин бўлсин, кул олсанг қумуш бўлсин» дея дуо қиладилар.

Дадамнинг меҳрибонликлари, ҳушмуомалаликлари укаларим Ҳусанбой ва Зоирбекларга ҳам «юқа» бошлаяпти. Улар ҳам дадамга ўхшашга ҳаракат қилишади.

Дадам санъатга ҳам қизиқадилар. Узлари шеърлар, ёзиб, мусиқа басталайдилар. Уларнинг қалби гўзал, оққўнгил инсон эканликларини шундан ҳам билса бўлади.

1988 йилда Ботир Олимов, яъни дадам раҳбарлигида «Наврўз» гуруҳи тузилди. Унинг Шухрат ака Олимов, Эргаш ака Маҳмадалиев синга-

ри истеъдодли инсонлардан иборат аъзолари «Тақчйён» жамоа хўжалигининг «Бирлик» ва бошқа қишлоқларида яшовчи барча аҳолининг тую тантаналарида беминнат хизмат қилиб келишяпти.

Айтгандай, дадажоним ҳақида гапирётганимиз а. Улар асосан Муҳриддин Ҳолиқов, Азим Муллахонов, Дониёр Тошмухамедов, тожикистонлик машҳур эстрада хонандаси Кароматулло Қурбоновни узларига устоз санадилар.

Ҳикоямнинг сўнгги дадажонимнинг яна бир фазилатларини айтиб бермоқчиман. Кўпчилик билан муомалада бўлиш, барчанинг қалбига баробар йўл топа олиш осон эмаслиги ҳаммага маълум. Баъзан уларда ҳам шундай ҳол юз бериб, уйга хоргин куринишда келадилар. Лекин бу унча узоққа чўзилмайди. Дадажоним қандай ҳолатда бўлмасинлар бизга, бувимга, онамга жилмайишга, хурсандчиликка ўрин топадилар. Шунинг учун ҳам улар билан фахрланаман. Уйимиздаги ана шунақа тинч-фаровон ҳаётимизда онажонимнинг ҳам ўз уринлари, ҳиссалари бор, албатта.

Фотима БОТИРЖОН қизи.
Сурхондарё вилояти, Шаргун шаҳри, Мустақиллик кўчаси,
1-уй, 29-хонадон.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайриддин ХОЛОВ
(масъул котиб)

ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 боёма табоқ Буюртма — Г 0450.
11.000 нусхада босилди.
Қозоғ бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтин тартиби № 000137
• Манзил: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Телефон: 33-44-25

